# МУҲАММАД ЗАКАРИЁ РОЗИЙ ФАЛСАФИЙ МЕРОСИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

**Ахмедов Руфат Пирматович**

*БухДУ тадқиқотчиси*

Муҳаммад Закариё Розийнинг фалсафий меросини ўрганиш ва илмий таҳлил этиш инсон ахлоқий тафаккури тарихидаги муҳим саҳифани очиш имконини беради. Ана шу меросни тадқиқ этиш, унинг илдизлари ва моҳиятини англаш бугунги ахлоқшунослик фани олдида турган муаммоларни ҳал қилишда катта аҳамият касб этади. Аллома ўз таълимотини яратишда инсоннинг реал ҳаётий тажрибасига таянган рационалистик этика йўлини тутган. Унинг ахлоқий қарашлари тизимида адолат, ҳақиқат, ақл, завқ ва руҳ тушунчалари марказий ўрин тутади ҳамда булар ҳақиқий ҳаётнинг энг олий қадриятлари сифатида баҳоланади.

Розийнинг дунёқарашида антик давр фалсафий анъаналари ўз ифодасини топган. У инсонни англаш қобилиятига эга ижтимоий мавжудот сифатида талқин қилар экан, бу борада қадимий юнон мутафаккирларининг таълимотларига суянган. Шу билан бирга, аллома Шарқнинг буюк олими ва табиби сифатида жаҳон миқёсида тан олинган. Унинг тиббиётга оид асарлари XI асрдаёқ Европа халқлари тилларига таржима қилиниб, амалий тиббиётда кенг қўлланилган.

Мутафаккир дунёқарашининг шаклланишига таъсир кўрсатган ижтимоий, сиёсий, тарихий ва маданий омилларни таҳлил қилиш, уларни қиёслаш ҳамда ўрганиш шуни кўрсатадики, Розий илмий ижодида ўз даврининг барча манбаларидан унумли фойдаланган. У ислом илми ва цивилизацияси юксак тараққиёт чўққисига чиққан даврда яшаган. Бу пайтга келиб буюк исломий олимлар юнон, сурия, паҳлавий ва санскрит тилларидан минглаб илмий асарни араб тилига таржима қилиб, уларни фалсафа ва илоҳиёт аҳлига етказиб берган эдилар.

Розий ўзидан аввал яшаган олимларнинг асарларини чуқур билган ва ўз ижодида уларнинг ғояларидан моҳирона ҳамда ижодий тарзда баҳра олган. Машҳур эронлик тадқиқотчи Маҳди Муҳақикнинг қайд этишича, аллома ўз асарларида Гален, Гиппократ, Ибн Сарабиюн, Табарий, Руфас, Ибн Масавия, Шамъун, Арибоис, Архежонс, Жорж, Булис, Фелгургус, Александр, Исҳоқ, Ибн Аллажаложа, Киндий, Хунайна, Темовса, Бадегурис, Салмавия, Ибн Батрика ва бошқа кўплаб алломаларнинг номини тилга олган. Бундан кўриниб турибдики, у ўз ижодида мусулмон, насроний, яҳудий, зардуштий ва ҳинд олимларининг энг машҳур асарларига мурожаат қилган.

Розий дунёқарашида зардуштийлик, эпикуризм, мутазилийлик, қадарийлик, неоплатонизм, маздакийлик, қадимги Юнонистон табиий фалсафаси ҳамда ашъаризм каби оқимларнинг таъсири яққол сезилади. Бошқача айтганда, унинг фалсафий, сиёсий, ижтимоий ва ахлоқий қарашлари ўтмиш мутафаккирларининг ғоялари таъсирида шаклланган бўлиб, у ўз даври манбаларидан фаол фойдаланган.

Розийнинг фалсафий тизимида борлиқ масаласи қадимги Юнонистон файласуфларига хос тарзда ҳал этилган. Унинг оламнинг мавжудлиги ҳақидаги таълимоти аниқ материалистик хусусиятга эга. Абу Ҳотим Розий, Носир Хусрав, Қози Саъди Андалусий, Али Ибн Муҳаммад Журжоний каби идеалистик қарашдаги файласуфларнинг унинг таълимотини рад этишлари бежиз эмас. Айни пайтда унинг дунёқарашида баъзи зиддиятли жиҳатлар ҳам мавжудлигини таъкидлаш лозим.

Розий қарашларидаги айрим зиддиятлар унинг тарихий аҳамиятини пасайтирмайди. У Шарқда ва ҳатто Ғарбда эркин фикрлаш анъанасининг ривожланиши ҳамда тарғиб қилинишида муҳим ўрин тутган. Файласуфнинг оламни билиш масалаларини ҳал этишида ҳам баъзи ички келишмовчиликлар учрайди. Масалан, мутафаккир ақл ва ҳис-туйғуларни оламни англашнинг икки муҳим босқичи деб ҳисоблайди – бу ўринда у

материалист сифатида намоён бўлади. Шу билан бирга, онгни Худонинг инъоми деб тан олиб, ўзини идеалист мутафаккир сифатида кўрсатади.

Алломани ҳақиқий гуманист файласуф деб аташ мумкин. У доимо инсонни Худонинг энг яхши маҳсули деб билган ва инсонпарварлик масаласи унинг ахлоқий таълимотининг марказий муаммоларидан бири бўлган. У инсонни барча нарсадан устун қўяди. Розийнинг ахлоқий асарларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, мутафаккир руҳ (эҳтирос) билан онг ўртасидаги қарама-қаршиликда барча олижаноб ва шафқатсиз ҳаракатларнинг илдизини кўрган. Унинг асарларидаги ахлоқий тоифалар икки гуруҳга бўлинади: биринчиси – ижобий хулқ-атвор хусусиятлари, иккинчиси – салбий хулқ-атвор хусусиятлари.

У ўзининг машҳур “Тибби Руҳоний” рисоласини ана шу тоифаларни, хусусан инсон қалбининг салбий хусусиятларини таҳлил қилишга бағишлаган. Аллома инсониятни ахлоқий меъёр ва қоидаларга риоя қилишга даъват этган ҳамда одамларнинг бахти ва фаровонлиги уларнинг олижаноб амалларига боғлиқлигини алоҳида урғу билан таъкидлаган. Розий одамларнинг кўплаб салбий хусусиятларини таҳлил қилиб, уларга ахлоқий фазилатларни қарама-қарши қўяди ва ўз фикрларини ҳаётдан олинган мисоллар билан далиллайди.

Мутафаккир одамларнинг салбий хусусиятларини таҳлил қилиб, уларнинг ёмон оқибатларини очиб берар экан, кишилар кундалик ҳаётда содир бўладиган ёмон амалларга берилмасликлари, аксинча, донолик сабоқларини ўзлаштириб, инсон онги асосида ҳаракат қилишлари зарурлигини таъкидлайди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Розийнинг маънавий мероси ва унда илгари сурилган ғоялар бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган. Унинг таълимотидан ёш авлодни ва умуман жамиятни тарбиялашда фаол фойдаланиш мумкин. Албатта, биз аллома яшаган даврдан фарқли бўлган

бошқа бир замонда яшамоқдамиз. Шунга қарамай, исёнкор руҳни тарбиялашда ва унинг онгга бўйсунишини таъминлашда, одамларнинг олижаноб фазилатларга эришишида буюк қомусий олим Закариё Розий ўзининг бетакрор фалсафий таълимоти ва тенгсиз ахлоқида кўрсатган усуллардан унумли фойдаланиш мумкин.

***Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:***

1. Абу Райҳон Беруний Танланган асарлар т.1 -Т.: 1957

2. М.Диноршоев Жизнь, наследия и философские воззрения Абу Бакра ар-Рази. Душанбе. 2013

3. М.Қодиров Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқнинг фалсафий тафаккури. Т.:ТДШИ 2010.

4. Ҳаққул И. Мерос ва моҳият. Тошкент: Маънавият, 2008.

5. Жўшон М.А. Тасаввуф ва нафс тарбияси. Тошкент: Чўлпон, 1998.

6. Закариёи Розӣ. Мунтахаби осор. Душанбе: Адиб, 1989.